



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 30 апрель №89 (3364) Жума

## ВАТАНИМИЗНИНГ ТИНЧЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ ЎЗ КУЧ-ҚУДРАТИМИЗГА, ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲАМЖИҲАТЛИГИ ВА БУКИЛМАС ИРОДАСИГА БОҒЛИҚ



### Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

29 апрель куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси ўз ишینی бошлади. Парламент сессияси ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этмоқда. Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, марказий ташкилотлар раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпуснинг бошқа вакиллари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлган.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда. Олий Мажлис сессиянинг иши органи — Котибиятни ташкил этди, кун тартибини тасдиқлади. Сессия иштирокчилари депутат Й.Сулаймонов хотирасини ёд этдилар. Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга берилди. Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг март ойи охири, апрель ойининг бошида мамлакатимизда рўй берган ва беғуноҳ одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган фожиали воқеаларга принципиал сиёсий баҳо берди. Ўзбекистон Президенти бу террорчилик ҳаракатларини жамиятимиздаги тинчлик ва барқарорликни бузиш, халқимиз-

(Давоми 2-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ўзбекистон фуқароларига МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз ватандошлар! Бугун башарият ўзига хос ва зиддиятли бир даврда яшамоқда.

Бир томондан, илм-фан ва техника, юксак технологиялар тараққий этиб, инсонларварлик гоғлари, демократик кадриятлар, ўзаро ҳамкорлик дунё бўйлаб қатор топиб бормоқда. Айни вақтда ер юзининг турли минтақаларида қуролли можаролар рўй бераётгани, халқаро терроризмнинг янги-янги хуржлари оқибатида минг-миглаб одамларнинг ҳаётдан кўз юмаётгани ҳам шу замоннинг аччиқ ҳақиқати.

Бундан бир ой аввал мамлакатимиз пойтахтида, Бухоро ва Тошкент вилоятларида содир этилган, бир қанча беғуноҳ юртдошларимизнинг умрига зомин бўлган фожиали воқеалар ҳам бу ёвуз балонинг яна бир манфур намоёнишидир. Биз терроризм қурбони бўлган ана шу инсонларнинг, ёвуз кўчларга қўқсини қалқон қилиб, Ватанимиз хавфсизлиги, мамлакатимиз фуқароларининг ҳаётини асраш йўлида жонини фидо этган тинчлик посбонларининг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига чўқур ҳамдардлик изҳор этамиз. Бу юртдошларимизнинг номлари ва хотираси қалбларимизда абадий ўшайди.

Ушбу мудҳиш ҳодиса рўй берган куннинг ўзидаёқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раҳбарлигида махсус ҳукумат комиссияси тузилиб, зудлик билан барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилгани кўпроғичи кучларнинг пайини қирқиб, яна қанча ёвузликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш имконини берди.

Биз — халқ ишонч билдириб сайлаган ва унинг хоши-иродасини ифода этувчи Олий Мажлис депутатлари бу қабیح хуружни Ўзбекистондаги барқарорликни кўролмайдиган сиёсий кучлар ва халқаро экстремистик марказлар томонидан эл тинчлигини бузиш, одамларнинг юрагига гулгула ва ваҳима солиш, уларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатга бўлган ишончини сўндириш, халқимиз танлаган демократик тараққий йўлига гов бўлиш мақсадида олдиндан тузилган режа асосида амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари, деб баҳолаймиз ва кескин қоралаймиз.

Республиканинг шаҳар-қишлоқларида, маҳалла ва турар жойларда сайловчилар билан бўлган урчушларда билдирилган фикрларга суяниб, биз шунга қатъий билан айта оламизки, халқимизнинг тинч ва оқилол ҳаётига тажовуз қилишга уринаётган шахслар ҳеч қачон ўзининг қора ниятига етолмайди.

Биз юртимизнинг хавфсизлиги ва тинчлигини таъминлаш, Ватан қудратини ошириш, маърифий дунё халқлари яшаётган фаровон ҳаёт даражасига эришиш учун бугун Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтказилаётган исчилик сиёсатини қўллаб-қувватлаймиз, халқимизни бу йўлда янада жиқлаштириш, юртимизга қўл кўтарган разил қилмасларга кескин зарба бериш учун ҳар доим тайёр туришга ҳаққимиз. Бебаҳо бойлигимиз бўлмиш фуқаролар аҳиллиги ва миллатлараро тотувчилиги янада мустаҳкамлаш — ҳар қандай ёвуз кучларнинг хуружига қарши бизнинг энг муносиб жавобимиз бўлади.

Бунинг учун барчамиз ҳаммиса ҳушёр, сезгир ва огоҳ бўлишимиз, террорчилик ва диний ақидапарастлик жаҳоллатига, дин ниқоби остидаги бузуғчилик кўринишларига қарши курашда ҳокимият идоралари билан фаол ҳамкорлик қилишимиз, ўз уюмимиз, маҳалламиз ва юртимизни ҳимоя этиш, асрашни муқаддас фуқаролик бурчимиз деб билишимиз лозим. Шунини алоҳида таъкидлаб айтмакчимиз, муборак заманимизда бундай ёвузлик ва қоб-хатга йўл қўймайлик учун шу юртда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъий назар, ҳар бир инсон бевосита масъулдир.

Олий Мажлис барча давлат органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларига, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига мурожаат қилиб, уларни мамлакатимизда тинчлик ва тотувчилик мустаҳкамлаш, муштиқиллик, демократия ва тараққийёт гоғларини амалга ошириш борасида фаоллик кўрсатишга даъват этади.

Ишонимизки, кўпни қўрган уруш ва меҳнат фахрийлари, машаққатли синовларда мардлиги ва матонатини намойён этган, эл-юрт ободлиги йўлида ўзини аямасдан хизмат қилаётган маҳалла оқсоқоллари ва жамоатчилиги, таълим даргоҳларидаги устоз ва мураббийлар, маданият ва санъат намояндалари, уламоларимиз мамлакат тинчлигини сақлаш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида терроризм ва экстремизмнинг дахшатли ҳавфини очиб беришга қаратилган маънавий-маърифий ишларни янада кучайтиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Биз келажикда тинчлик бўлган ёшларни мана шу таҳликали ва мураккаб замонда ён-атрофимизда рўй бераётган воқеаларга нисбатан фаол гражданик позициясини намойён этишга, халқимиз машаққатли меҳнат билан эришаётган ютуқларни қадрлашга, озода ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида бошлаган ишларимизнинг муносиб давомчилари бўлишга даъват этамиз.

Азиз ватандошлар! Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси гўзал ва бетакрор диёримизда тинч-тотув яшаб, катта бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган барча юртдошларимизни, жамик нияти пок, дунёқарши соғлом кишиларни террорчилик ва экстремизм, уюшган жиноятчиликка қарши курашда янада ҳамжиҳат бўлишга чақиради. Ўзбекистонни ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш йўлидан, ўз халқига озода ва фаровон турмуш шароити яратиб бериш, жаҳон маъдониде муносиб ўрин эгаллаш йўлидан ҳеч қачон, ҳеч қандай ёвуз куч қайтара олмаслигини яна бир бор қатъий баён этади.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган.

## Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги нутқи

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар!

Қадри дўстлар! Барчангиз яхши хабардорсиз — шу йилнинг 29-30 март ва 1 апрель кунлари мамлакатимизда содир этилган мудҳиш террорчилик ҳаракатлари оқибатида 9 нафар ички ишлар ходими ва 5 нафар фуқаро ҳалок бўлди.

Ана шу беғуноҳ қурбон бўлган инсонларнинг оила аъзолари ва яқинларига ўзимнинг номидан, сиз, муҳтарам депутатларимиз ҳамда бугунги сессия мажлисида қатнашаётган барча иштирокчилар номидан яна бир бор ҳамдардлик билдиришга руҳсат бергайсиз.

Мудҳиш ва қабیح ният билан уюштирилган бундай террорчилик хуружлари натижасида қурбонлар сони бундан ҳам кўп бўлиши мумкин эди. Аввало, Оллоҳнинг ўзи юртимизни оғузда қўларверса, тинч, озода ҳаётимизни ҳимоялаш, сақлаш учун азиз жонини берган ҳуқуқ-тартибот ҳодимларининг жасорати туфайли бунга йўл қўйилмади.

Ўзингиз фараз қилинг, Ромитан туманида террорчилар қўллаб-портлатиш воситаларини тайёрлаб, одамлар гавжум жойларда кўпроғичлик уюштирмоқчи бўлган. Агар уларнинг машум нияти амалга ошганида, яна қанча-қанча беғуноҳ инсонлар ҳалок бўлиши мумкин эди.

Ёки Тошкент шаҳрининг бир чеккасида тайёрларлик қўрган террорчиларнинг бошқа бир гуруҳи белгиланган бозор ва майдонларида, жамоат жойларида портлашлар содир этганида, нима бўлиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бундай дахшатли вазиятни кўз ўнгидан ўтказганида, унинг оқибатлари ҳар қандай ақли расо одамни ларзага солиши шубҳасиз. Шундай ваҳшийликларнинг олдини олиш учун жон фидо этган мард йигитларнинг хотирлар эканмиз, ҳаёлимизга беҳитиёр, бу беғуноҳ инсонларнинг айби нима эди, ахир, уларнинг ҳам бола-чақаси, ёру дўстлари, бу ҳаётдан умидлари бор эди, улар ҳам бахтли бўлишга ҳақли эдику, деган армонли сўзлар келади.

Ана шундай юртдошларимиздан бири — Қибрай тумани ички ишлар бўлимида хизмат қилган катта лейте-

нант Азизжон Турсунов оилада ёлғиз ўғил эди. Эндигина 27 баҳорни қаршилаган, ҳали уйланишга ҳам улгурмаган бу навқирон йигит террорчиларга қарши курашда мардона ҳалок бўлди.

Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бўлимининг ходими, старшина Қодир Раҳмонов ҳам одамлар ҳаётини сақлаш учун жонини фидо қилди. Юраги беғубор, шоир-табиат бу инсоннинг уч фарзанди етим қолди, диладики не-не орзулари ушолмас армонга айланди.

Биз, барчамиз эл-юртимизнинг тинчлиги ва оқилол ҳаётини асраш йўлида ўз ҳаётини бағишлаган миллия ҳодимларининг хотираси ва руҳи олдида умр-бод қарздоримиз. Бу фидойи инсонларнинг Ватан олдидаги хизматлари ҳеч қачон унутилмайди. Уларнинг жасорати юксак давлат мукофотлари билан тақдирланади, оиласи, фарзандлари доимо халқимиз, давлатимиз эътиборида бўлади. Мана шундай ўғлонларимизнинг жасорати туфайли ўнлаб, балки юзлаб юртдошларимизнинг ҳаёти сақлал қолди, ёвуз террорчилар ўз уясида янчиб ташланди.

Мен ҳаммамиз учун оғир бўлган бу йўқотишлар, бу воқеалар ҳақида, дунёдан бевақт кўз юмган одамлар ҳақида кўп ўйлайман. 1999 йилда Тошкент кўчаларида террор қурбони бўлган беғуноҳ юртдошларимизни, 2000 йилнинг ёзида Сарисой ва Бурчмулла тоғларида жангариларга қарши курашда ҳалок бўлган жасур аскарларимизни ҳам доимо эслаймиз.

Мен бугун шу юксак минбарда туриб, мана шундай мард ва ботир, эл-юртига садоқатли фарзандларни тарбиялаб воғга откарган ота-оналарга бош эгиб таъзим қиламан.

Қадри ватандошлар! Юртимиз тинчлиги, болаларимиз ва аёлларимиз, кексаларимизнинг оқилол ҳаётига қимми тажовуз қилган бўлса, муқаррар равишда ўз жазосини олиб келган ва бу сафар ҳам шундай бўлади. Жиноятчилар амалдаги қонунларимиз, халқаро ҳуқуқий нормалар асосида суд олдида жавоб беради.

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, кўпдан бери чўқур тайёрларлик қўрилган, нафақат бизни, балки дунё аҳлини ҳам ларзага солган

бу воқеаларнинг томирига етиб бориш, жиноятчиларнинг ҳақиқий башарасини фотиш, адолатни жой-жойига қўйиш, беғуноҳ одамларнинг жавобгарликка тортилишига йўл қўймайлик — буларнинг барчаси ўта мураккаб ва масъулиятли вазифа бўлиб, Бош прокуратура бошчилигида олиб борилаётган тергов жараёни охирига етказиш учун муайян вақт беришни талаб қилади.

Ҳеч шубҳасиз, эл-юртимизга қарши қаратилган бу қабیح, ақлга сизмайдиغان разолатни ким ташкил этгани, бу ишга ким раҳнамолик қилгани, маблағ ва қурол билан таъминлагани, уни амалга ошириш учун қимлар жалб қилингани, бу кўпроғичликни уюштириш учун улар қаерда, ким орқали ва қайси йўл билан, қайси лагерь ва полигонларда тайёрларлик қўргани ҳақида тергов ўз ҳулосасини чиқаради ва суд бу жиноят бўйича сўнгги нуқтани қўйганидан кейин халқимизга, халқаро жамоатчиликка маълумот берилади.

Мен бугун тергов материалларига асосланган ҳолда, бир нарсани аниқ айттишим мумкин: ҳар томонлама пухта тайёрланган бу жиноий ҳаракатларнинг илдири мамлакатимиз ташқарисиде жойлашган халқаро террорчилик ва экстремизм марказларига бевосита бошқариб туташмоқда. Буни тасдиқлайдиган далил-исботлар етарли.

Бугун биз ана шу фожиали воқеалар ҳақида гапирар эканмиз, мен учта муҳим масалага эътиборингизни жалб қилишни, буларга жавоб топишни зарур деб биламан. Бу ёвуз ҳаракатлар кимга қарши, ва нимага қарши қаратилган? Ва уларнинг охир-оқибат мақсади нима?

Битта масала барчамизга аён бўлиши керак. Бу портлашларни кўр-кўрна бажарган, онги паст, калтабин, мияси захарланган ичроқилар бора. Шунингдек, буларни уюштириб, ўз халқига қарши жиноятга йўллаган ташкилотчи ва раҳнамолари ҳам борки, уларни бир-биридан ажратиш, ҳар қайсисига алоҳида баҳо бериш зарур.

Фақат мана шундай кўз билан қараб, бу воқеаларнинг тағ-томирига етиб боришимиз, Ўзбекистонини, унинг мақсад-муқддаларини кўролмайдиган, кўп йиллардан буён юртимизга қарши кўпроғичлик-террорчилик

ҳаракатларини олиб бораётган кучлар ва марказларини, уларнинг разил қиёфасини ўзимизга аниқ тасаввур қилишимиз, узокқи кўзлаган манфур ниятларини тушунишимиз мумкин. Азиз дўстлар! Ҳаётнинг ўзи юртимизда янги давлат, янги ҳақият барпо этиш учун халқимизнинг хоши-иродаси билан танлаб олган тараққийёт йўлининг тўғрилигини тасдиқламоқда. Ҳозирги кунда бизнинг ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаётга эришиш йўлида кўлга қиритаётган ютуқларимизни, дунё бизни тан олаётганини кўриб, сизлар катори, бугун халқимиз қатори мен ҳам гурурланаман.

Агарки, бугун фақат марказда эмас, балки Ўзбекистоннинг узок-қоқин шаҳар ва қишлоқларида яшаётган инсонларни, уларнинг савияси ва дунёқарашини, ҳаёт тарзини 90-йиллардаги ҳолат билан солиштирадиган, ҳолисона кўз билан баҳолайдиган бўлсак, бизнинг юртимиз шу қисқа даврда қандай масофани босиб ўтгани, қандай марраларни эгаллаганини тушуниш, англаш қийин эмас, деб ўйлайман. Энг муҳими, бугунги Ўзбекистон фуқароси ўзининг ҳаётини танқидий баҳолаш билан бирга, ўзи ва оиласининг, юртининг келажакни ақлол тасаввур этади ва бунга эришиш учун нималар қилиш кераклигини, жамиятимизда қандай ўзгариш ва ислохотларни амалга ошириш зарурлигини, нима ҳисобидан тараққий топган давлатлар яшаётган ҳаёт даражасига кўтарилиш мумкинлигини яхши англайди.

Биз жаҳондаги барча эзгу ниятли, тараққийпарвар халқлар ва миллатлар билан ҳамжиҳат бўлиб, нафақат Фарб давлатлари, балки Япония, Жанубий Корея, Малайзия каби ривожланган Шарқ мамлакатларида бўлгандек, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга интилоқдамиз.

Мамлакатимизни демократик тамойиллар, илм-фан ютуқлари, юксак технологиялар асосида модернизация қилиш билан бирга, муқаддас динимизни, миллий ўзлигимизни асраб-авайлаб яшашни мақсад қилиб қўйганмиз. Бу эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш учун юртимизда мавжуд бўлган салоҳият ва бойликларни ишга солиш, улардан оқилона фойдала-

ниш, аввало, ўз куч ва имкониятимизга, ота-боболаримиздан қолган бебаҳо мерос, миллий урф-одат ва аъналарга суяниш, қадриятларимизни тиллаш, бир-биримизга елкадош бўлиш эҳтиёжидан халқимиз бугун ҳар томонлама тушуниб етди. Айни вақтда умумбаршарий ютуқларни ўзлаштириш, ёш авлодни шу асосда тарбиялаш, дўстни ганимдан ажратиш, бизга қўл узатаётган хайроқлиқ шериклар билан ҳамкорликда эртанги кунимизни қўриш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашга қаратилган олми мақсадларимиз ҳақида бугун ортиқча тарғибот олиб боришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Ва мана шундай ҳолатни, яъни оддий фуқароларимизнинг умумий ва сиёсий савияси нақадар ўсганини юртимиз кейинги даврда эришган ютуқларнинг энг муҳими, деб ҳисоблайман.

Шундай экан, ўзимизга бир савол берайлик: бизнинг танлаган йўлимиз кимларга ёқмайдими? Бу саволларга жавоб топиш ва тегишли ҳулосалар чиқаришга кўпни қўрган, доғимшанд халқимизнинг ақли ва қурб етди, деб ўйлайман.

Барчамизга аён бўлиши кераки, ганимларимизнинг асосий нияти — Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва оқилолликни, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳитини, бугун биз барпо этаётган фаровон ва озода ҳаётини бузиш, тобора кучга кираётган давлатимизни ағдариш, танлаган йўлимиздан қайтаришдир. Одамларимизнинг юрагига ваҳима ва кўрқун солиш ҳисобидан уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини йўқотиш, бир-бирига қарши қўйиш, юртимизда, минтақамизда ўз манфаати, ўз сиёсатини ўтказишдан иборат.

Булар ўз мақсадларига эришиш учун одамларни, аввало, содда, билими ва ҳаёт тажрибаси паст кишиларнинг онги ва тафаккурини чалғитишга уринади. Уларнинг муқаддас динимизга, унинг асл қадрият ва бойликларига бўлган қизиқиш ва интилишларидан фарзли ниятларда фойдаланади. Охириги тўрт-беш йил давомида тўплаган маълумотлар шунни кўрсатадики, бундай мараз ва қабیح ниятли кучлар ва марказлар жуда чўқур ўйланган, катта маблағ билан таъминланган, узокқи кўзлайдиган

дустур ва режаларга, шунинг ҳам таъкидлашимиз кераки, энг замонавий восита ва имкониятларга эга. Улар ўзининг таъсирига тушган кишиларнинг миясини захарлаш мақсадида ҳеч қандай соғлом ақлга сизмайдиغان бузуғчи ақида ва гоғларни, шу жумладан, "Ҳизбуттаҳрир" оқимида кенг тарқалган халифалик қуриш даъватларини ишлатади.

Нима эмиз, барча мусулмон динига мансуб халқлар халифалик деб ном олган ва битта халифа бошқариладиган ягона диний давлатга биришиб, бизнинг Ассий Комусимиз — Конституция ва қонунлар ўрнига ўрта асрларда ҳукм сурган ақида ва одадларга итоат қилиш асосида яшаб, кўп қўришимиз керак эмиз. Давлатни бошқариш, унинг ҳўжалик ва иқтисодиётини тебратиш у ёқда тургани, оддий оиланинг даромад ва бурамад ташвишларидан — ниманидир қаердан ва нима ҳисобидан, қандай меҳнат эвазига келишидан хабардор бўлган ҳар қандай ақли расо одам бундай гоғларнинг сохталигини англаши, уларнинг ҳақиқий баҳосини бериши мумкин. Бундай сохта, замирида ҳеч қандай асос бўлмаган савфатарлар ҳақида гапирганда, аввало, бугун биз XXI асрда яшаётган юртимизнинг эсдан чиқармаслигини керак. Ва ҳозирги ўта мураккаб, шиддат билан ўзгариб, тараққий топаётган, компьютер ва телекоммуникация даврининг минг йиллар олдин мавжуд бўлган шароит ва вазиятдан ер билан осмонча фарқи борлигини оддий одам ҳам тасаввур қилиши қийин эмас.

Ҳеч қайси давлат, жаҳоннинг қайси қиёфасида жойлашганидан қатъий назар, бугун дунё бозори ва халқаро ҳамжамиятдан ажралган ҳолда ва замон талаб қилаётган қонунларга итоат қилмасдан туриб, ўз келажакини кўролмайдими. Бу ҳақиқатни исботлаб беришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Ахир, ҳаммамизга маълум: тарих гилдирагини орқага қайтариб бўлмайдими-ку! Шу нуқтага назардан қараганда, барча мусулмон давлатларини ягона халифаликка бириштириш мақсади ҳам ҳеч қандай ақлга сизмайдиغان афсона, десак, асло хато бўлмайдими.

(Давоми 2-бетда).



Хабарлар оқимидан

Замонавий технология туфайли

"Андижонкабель" корхонаси негизда Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ташкил этилган...

О. ШОДНОАЛИЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Шаҳар кўрки — бозор

Жиззахнинг «Эски шаҳар бозори» акциядорлик жамиятига айланган...

Хиссасдорларнинг ақинда бўлиб ўтган умумий йиғилишида бозор ҳудудидаги дўконлар сонини 400 тага етказишга келишиб олинди...

Б. САТОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Битирувчилар ҳиммати


Кумкўрғон туманидаги 38- умумтаълим мактабининг битирувчилари хайри ташаббус билан чиқиди...

О. УСАНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Қўшиқларда қолган умр

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасининг Тошкент вилояти бўлими ходимлари Меҳр ва муруват йили муносабати билан савобли ишга қўл уришди...

Хонандани хотирлаб ўтказилган тадбир ҳақида бизга "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасининг Тошкент вилояти бўлими бошлиғи Бек...



Журналистларга қулайлик

Чунончи, Олий Мажлиснинг бу галги XIV сессияси ишени радиотелевидение ҳамда кундалик нашрларда ёришда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг олтимишга яқин мухбири катнашмоқда...

лик билан унумли ишларини таъминлаш мақсадида Олий Мажлис биносида Матбуот маркази очилди.

налистлар истаган пайтларда шу ердан туриб ўзлари ишлайдиган таҳририятларга сим қоқиш, кўлбемаларини санокли дақиқалар ичида етказиш, зарур маълумотномалардан нусха олиш имкониятларига ҳам эга...

А. ХАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири. Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Саноат мулки

ҳуқуқий муҳофаза этилади

Юртимизда интеллектуал мулкнинг ажралмас қисми бўлган саноат мулки соҳасидаги муносабатларни тартибга солишининг ҳам қонуний асослари яратилган...

туал ижодиётнинг турли шилдаги — техникавий ва нотехникавий натижаларига субъектив ҳуқуқлардир. Уларга ҳўжалик фаолияти, ишлаб чиқариш ва савдо учун муҳим аҳамиятга эгалиги сабабли махсус ҳуқуқий муҳофаза берилди.

Саноат мулки ҳуқуқлари ҳудудийдир, яъни қандай тарихисидда, уларга қайси давлатда эга бўлинган ёки улардан фойдаланилаётган бўлса, фақат ўша давлат ҳудудида амал қилади.

муҳим аҳамият касб этади. Саноат мулкнинг қўпгина ҳуқуқлари вақтинчалик хусусиятга эга. Улар қонунда назарда тутилган муддат доирасида амал қилиб, кейин «жамият мулки» (res publicum) сифатида ҳар қандай шахс томонидан текин фойдаланилиши мумкин.

Даланинг электрон харитаси

Қишлоқ ҳўжалигини равақ топтириш учун замонавий технологияга эҳтиёж кучаймоқда. Масалан, фермер ўз даласининг балл бонитетини, хусусиятини билмас, таваккалга иш тутайди...

Шахрисабз туманида бўлиб ўтган семинарда электрон харита жорий этилса, у ҳам вақтинчи, ҳам маблагни тежашга имкон бериши ҳақида сўз юритилди...

Экин ерларининг электрон харитасини яратиш дастлаб Шахрисабз туманида бошланиб, кейин Қарши ва Нишон туманларида давом эттирилмоқда.

Н. РАВШАНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Ўзбекистон ва ЕИ муносабатларига бағишланди

Анжуман «Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги шериклик ва ҳамкорлик битимини амалга ошириши қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси қўмағида бўлиб ўтди.

Маълумки, ушбу лойиҳа мамлакатимизнинг мустақиллигини қўллаб-қувватлаш ва Ўзбекистонда демократик тизимни шакллантиришга йўналтирилган.

Семинарда маъруза уюштирилган. Профессор Р. Қосимов Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ҳамда ўзаро алоқаларнинг тобора юксалаётгани ҳақида сўз юритди.

Салим ДОНИЁРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

«Гурлан» жаҳонга интилмоқда

Хозирги кунда «Гурлан» акциядорлик жамиятида Хоразм вилоятида етиштирилган пахта ҳосилининг 15 фоизи қайта ишланиб, ундан тайёр маҳсулот чиқарилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, 1997 йилда ўз фаолиятини бошлаган бу корхонанинг «Гуртекс» тамғаси остида тайёрланаётган бежирим, сифатли трикотаж маҳсулотлари ва спорт кийимлари нафақат мамлакатимиз, балки АҚШ, Бельгия, Россия базорларида ҳам харидориг қўрсоланган.

Хар қандай янги ишни бошлаш осон кечмайди, албатта. Италия, Швейцария, Туркиядан келтирилиб, ўрнатилган замонавий дастгоҳларни бошлариш учун малакали кадрлар керак эди.

Корхона бу даражада дадил одимлаётганининг сабаби маълум: асосий хомашё ўзимизники, фақат буюқ Швейцариядан келтирилади, ҳолос. 1200 нафар ёш йигит-қиз меҳнат қилаётган жамоада ўтган йили 565 минг 990 АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот чет элга экспорт қилинди.

Шу кунларда жамият акциядорлари зришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун дастгоҳларни тўла қувватларда ишлатиб, астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ойбек РАҲИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Ўзбекистон Президентининг "Истеъдод" жамғармаси Масофавий ўқитиш маркази Тошкент молия институтининг профессор-ўқитувчилари учун 20 кунлик семинар-тренинг ташкил этди.

Кун тартибига — масофавий таълим

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги С. Фуломов, Масофавий ўқитиш маркази директори А. Абдуқадиров, "Истеъдод" жамғармасининг ижрочи директори А. Пардаев ва бошқа маърузачиларнинг чиқишларида катта кизиқиш уйғотди.

Донохон КАМАРИДИНОВА.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

Қўйидаги ишчиликларга нўзратги таъминотларни таъминлаш бўлими таъинлов эълон қилади:

Table with 4 columns: № лот, Иншоотлар номи, Бошланғич нархи (сўм), Бажариш муддати. Includes lots 1-7 for various construction projects.

Table with 4 columns: № лот, Иншоотлар номи, Бошланғич нархи (сўм), Бажариш муддати. Includes lots 1-8 for various construction projects.

Буюртмачи — "Андижонавтоўл" йўл қурилиш ҳудудий шўба ташкилоти. Манзили: Андижон шаҳри, Шимолий саноат микрорайони, 12-уй, тел. 24-32-23.

Table with 4 columns: № лот, Иншоотлар номи, Бошланғич нархи (сўм), Бажариш муддати. Includes lots 1-5 for various construction projects.

Буюртмачи — Андижон вилояти ягона буюртмачи хизмат ҳудудий инжиниринг компанияси Манзили: Андижон шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 45-уй, Телефон: 25-25-61.

Table with 4 columns: № лот, Иншоот номи, Бошланғич нархи (сўм), Бажариш муддати. Includes lot 1 for a sports complex.

# Спорт

## Мамбуот анжумани

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитасида Кураш халқаро ассоциацияси вакиллари ҳамда спорт журналистлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Маълумки, шу йилнинг 1-4 май кунлари Доминикан Республикасининг Санта-Доминго шаҳрида ўзбек кураши бўйича Ш-Пан-Америка чемпионати бахслари бўлиб ўтади.

— Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, кураш Ватани бўлган Ўзбекистон шу йилдан бошлаб Кураш халқаро ассоциациясига молиявий кўмак бера бошлади, — дейди КХА буюб. — КХА бу кўмакни кураш келажакига қўйилган пойдевор сифатида олқилайди. Ушбу чемпионатнинг аввалгиларидан фарқи шуки, иштирокчи давлатлар сони кескин кўпайган.

Дарҳақиқат, бу йилги беллашувларда илк бора Америка китъасининг Мексика, АКШ, Куба, Барбадос каби мамлакатларидан полвонлар гиламга тушади. Эркаклар 73, 90 кг. ва мутлак вазнда бел олишса, аёллар 57, 70 кг. ва мутлак вазнда гиламга чиқадилар. Маъмур мусобақада китъанинг 25 мамлакатидан полвонлар иштирок этиши кутилмоқда.

Доминикан Республикаси кураш федерациясига Пан-Америка Кураш ассоциацияси вице-президенти Хайно Казанова раҳбарлик қилмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бахсларнинг Доминикан Республикасида ўтказилиши қўшни мамлакатларнинг ўзбек курашига бўлган қизиқишини кучайтирган. Шу боис бу давлатларда кураш федерациялари ташкил этилиб, улар ҳам чемпионатда иштирок этиш истагини билдирганлар.


А.МАМАЖОНЗОДА.



Яқинда Фарғона шаҳрида малакали спортчилар тарбияланган Олимпия заҳиралари коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди. 1050 ўринли маъмур муассасаси учта мустақил бинодан иборат. Ҳуқуқ корпуси, спорт зали, ёпиқ теннис корти замон талаби даражасида жиҳозланган. Бу ерда 350 нафар ўқувчи спортнинг 12 тури бўйича тахсил олмақда. Келгусида ўн минг ўринга мўлжалланган ўйингоҳ ва сув ҳавзасини бунёд этиш ҳам режалаштирилган.

**СУРАТДА:** Фарғона олимпия заҳиралари коллежи биноси; коллеж ўқувчиси Қудратхон Кенгашева машғулот пайтида.

М.ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.



## Олимпиадачилар — ораимзда

Бундан атиги ўн-ўн беш йил илгари фарғоналик спортчиларнинг Олимпиада ўйинларида иштирок этиши ширин орзу эди. Истиклол йилларида эса Фарғонадан олимпиадачиларнинг ўзига хос сулоалари етишиб чиқмоқда. Бундан тўрт йил аввал Сидней Олимпиадасида 3 нафар фарғоналик спортчи иштирок этган бўлса, Олимпиада Ватани — Грецияда ўтказилган ўйинларда иштирок этадиганлар сони икки баравар кўпайди. Боксчи Дилшод Маҳмудов ва каноэчи Антон Лаховлар эса дунёдаги энг нуфузли ўйинларда иккинчи бор юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

# Шоҳсуна

Бу олимпиадачиларнинг кўпчилиги спортчилар оиласи, муҳитида тарбия, малака тоналлиги, илк сабоқни хонадонда, ота-онадан олганлиги сир эмас. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», Болалар спортини ривожлантириш жамағалари ўзaro ҳамкорликда уч йилдан буён «Дадам, онам ва мен — спортчилар оиласи» спорт мусобақаларини ўтказиб келмоқда.

Оддий ўйинлар тариқасида бошланган мусобақалар бугунга келиб, вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари, ҳатто энг олис қишлоқларини ҳам қамраб олди. Бу ўйинларнинг оилалар, хонадонлар орасида кенг оммалашиб, қатнашувчилар сафи йилдан йилга кўпайиб бораётганлиги тўғрисида ҳам вилоят хотин-қизлар кўмитаси мусобақаларга спартакиада тусини бериш мақсадида ўйинлар Низоми ва махсус Дастур ишлаб чиқди.

Анъанавий ўйинларга янгича ёндашиш, ўзгача руҳ бериш яхши самаралар бермоқда. Спартакиада Низомига қўра, асосий эътибор оилалар орасида спортни янада оммавийлаштириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва шу орқали оила саломатлиги, мустақамлигини янада оширишга қаратилган.

Мусобақаларнинг биринчи босқичи маҳалла-лардаги оилаларнинг ўза-

ро кураши тарзида бошланган эди. Жорий йилнинг илк кунларида вилоят кичик олимпиада ўйинлари бўлиб ўтди. Кишинг қаҳратон, изгирилли кунларига қарамай, вилоятдаги 972 та маҳалладан 17 мингдан зиёд оила спорт заллари, очиқ майдонларга чиқди. Салкам 70 мингга яқин спортчи оила аъзолари, хонадон, кўча, маҳалла биринчилиги учун кураш олиб борди. «Оммавийликдан — Олимпиада чўққилари сари» ширин остида ўтказилган мусобақалар иштирокчиларининг бирортаси ҳам ташкилотчилар, ҳотимлар эътиборидан четда қолгани йўқ. Фикримизни илк босқич иштирокчиларини тақдирлаш учун 10 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланганлиги ҳам исботлаб турибди.

Хамалнинг илк кунларида эса мусобақаларнинг иккинчи босқичига старт берилди. Маҳалла босқичларида голиб чиққан 972 та оила туман ва шаҳар босқичларида янада масъулият, ғайрат-шижоат билан курашга киришдилар. Спартакиадангиз оралиқ босқичи ҳамда худудлараро босқичида қатнашиш бахтига мушарраф бўлган 57 оила бор маҳоратларини намойиш этиш билан бирга, ўзбек оиласи, ўспирин йигит-қизлари спортнинг маънавий чўққиларини забт этишда хоржилик оилалардан, тенгдошларидан сира

қолишмасликларини намойиш этишди. Нихоят, Наврўзи ажабини муборак руҳи кезиб юрган кезларда дастлаб маҳаллада, сўнгра туман, шаҳар ва худудий мусобақаларда голиб чиққан 8 спортчи оила эндигина фойдаланишга топширилган Олимпиада заҳиралари спорт коллежининг муҳташам залига тақдир этилди. Жаҳон андозалари талабларига бемалол жавоб берадиган бу қолондаги илк мусобақа «Дадам, онам ва мен — спортчи оиласи» ўйинлари финалчилари иштирокида ўтказилганлигини ҳам ўзига хос рамзий маъносига бор.

Спартакиадангиз вилоят босқичи ўйинлари худудий мусобақаларда қатнашган барча 57 та спортчи оиланинг 228 нафар аъзоси ҳам тақдир этилди. Финал босқичи аввалида бу спортчи оилаларнинг аъзолари бир сидирга спорт кийим-бошлари билан сийланди. Шундан сўнг улар кечаги рақибларини дўстона қўллаб-қувватлаб туришди. Мусобақаларда иштирок этган 17 минг оила орасида мутлак голиблик Дангара туманилик Хамдам Ражабовлар оиласига насиб этди. Уларга энг замонавий спорт кийимлари билан бирга кимматбаҳо совғалар топширилди. Қолган совирилли ўйинларни эса ёзёвонлик Хамдавлар, учқўрилик Мирзаевлар, олти-

ариқлик Жўраевлар оилалари бўлиб олишди. Бу галги мусобақалар шуниси билан эътиборлики, кишлоқлардан ташриф буюрган спортчи оилалар мусобақаларнинг анъанавий голиблар — шаҳарлик рақибларини «сикиб» чиқаришди.

— Биз фақат оилавий спорт мусобақаларини ўтказиш билан чегарала-

Ширкат ва фермер хўжалиқлари раҳбарлари диққатига!  
**ТТЗ-80.10, ТТЗ-80.11, ВУ-300, ВУ-304-2** русумли тракторлар  
 корхонадан — тўғридан-тўғри ишлатувчиларга!  
**«ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ДАЖ**  
 сизларнинг истаklarингиз, такъриф-мулоҳазаларингизни ҳисобга олиб, мамлакатимиз минтақаларида ўзининг дилерлик тармоқларини ташкил этганлигини маълум қилади.

Куйида кўрсатилган манзиллардаги дилерлик марказларига мурожаат этиб, майдонларда кўргазмага қўйилган техника воситаларидан сизга маъқул бўлганини сотиб олишингиз мумкин. Марказларнинг мутахассислари тракторларга сервис хизмати бўйича йўл-йўриқлар кўрсатиб, каталогларни сизларга тақдим этишда ва зарур эҳтиёт қисмларни танлаб олиш юзасидан маслаҳатлар беришади.

Дилерлик марказларимиз қуйидаги манзилларда жойлашган:

№	Манзил	Дилерлик марказлари номи	Директорлар исми-шарифи	Телефонлари
<b>I. Қашқадарё вилояти</b>				
1.	731101, Косон шаҳри, Й.Охунбоев кўчаси, 55-уй	ТТЗ «Косон-сервис»	Тураев Ш.С., бош ҳисобчи	код 37559 32262, 32697
2.	731306, Ғузор шаҳри, «Пахтазор» маҳалласи	ТТЗ — ММТП Ғузор	Зарипов Соат-Зарипов Малеевич	код 37555 22234, 21397
<b>II. Сурхондарё вилояти</b>				
3.	733000, Денов шаҳри, Остонакулов кўчаси, 107-уй	ТТЗ «Сурхондарё-сервис»	Чориев Абдусалом	код 37641 24601, факс: 21826
4.	733006, Саркосий шаҳри, Улғубек кўчаси, 110-уй	ММТП «Саркосий»	Эшонқулов Тўхтасин	код 37641 31868
5.	733414, Олтинсой тумани, Корлук кўрғони, Охунбоев кўчаси, 24-уй	ММТП «Олтинсой»	Ҳусанов Абдурахмон	код 37647 51778, уй: 51578
6.	Ангор тумани, «Талимарон» хўжалиги, 1-бўлим, «Корасув» маҳалласи	ММТП «Ангор»	Шауманов Тура Шоуманович	код 37631 22047
<b>III. Хоразм вилояти</b>				
7.	741600, Хонка шаҳри, У.Юсупов кўчаси, 2-уй	Хоразм техника маркази	Юсупов Маматсалой	код 36239 91932, 92609
8.	740006, Хонка тумани, У.Юсупов кўчаси	Янгибозор	Каландаров Кадам	уяли: 1545062
<b>IV. Жиззах вилояти</b>				
9.	708000, Жиззах шаҳри, Лаврентьев шоҳкўчаси, 3-уй	Жиззах техника маркази	Жўраев Холмурод	код 37222 31821, 31526
<b>V. Фарғона вилояти</b>				
10.	713826, Фарғона тумани, Аввал кишлоғи	Фарғона техника маркази	Раҳмонов Маҳмуд Холматович	код 3732 255733
<b>VI. Наманган вилояти</b>				
11.	716003, Наманган шаҳри, Шимолий санат зонаси, Поляковский к., 19-уй	Наманган вилоти техника маркази	Зиятов З.С.	код 36922 40764
<b>VII. Қорақалпоғистон Республикаси</b>				
12.	743700, Тўртқўл шаҳри, Рашидов кўчаси, 53-уй	Қорақалпоғистон техника маркази	Мадраимов Илҳомбой Давлатович	код 361 5323293 2214975 2211200

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш корхоналари ва пуьратчи ташкилотлар диққатига!

## «ДАВАРХИТЕКТҚУРИЛИШ» ҚЎМИТАСИГА ҚАРАШЛИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ХУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

- Вилоят халқ таълими бошқармаси буюртмачилигида:
1. КИТОБ туманидаги 25-мактаб биносини капитал таъмирлаш. Бошланғич нархи — 40.435.300 сўм.
  2. Миришкор туманидаги 9-мактаб биносини капитал таъмирлаш. Бошланғич нархи — 42.362.300 сўм.
  3. Чироқчи туманидаги 4-мактаб биносини капитал таъмирлаш. Бошланғич нархи — 30.658.100 сўм.
  4. Чироқчи туманидаги 19-мактаб биносини капитал таъмирлаш. Бошланғич нархи — 33.607.700 сўм.
  5. Муборак туманидаги 10-мактаб биносини капитал таъмирлаш. Бошланғич нархи — 31.126.000 сўм.
  6. Косон туманидаги 4-мактаб биносини капитал таъмирлаш. Бошланғич нархи — 34.559.300 сўм.
  7. Косон туманидаги 18-мактаб биносини капитал таъмирлаш. Бошланғич нархи — 37.504.200 сўм.
  8. Қасби туманидаги 7-мактаб биносини капитал таъмирлаш. Бошланғич нархи — 42.384.200 сўм.
- Барча объектларни топшириш муддати — август ойи.
- Қурилиш ишларини молиялаштириш маҳаллий бюджет ҳисобидан амалга оширилади. Манзил: Қарши шаҳри, «Мустанқиллик» шоҳкўчаси. Телефон: 221-10-65.

## «ШҮРТАНГАЗКИМЕ» МАЖМУАСИ БУЮРТМАЧИЛИГИДА

1. «Шўртангазкиме» мажмуининг 70 ўринли автогараж биноси қурилиши. Топшириш муддати — 18 ой. Бошланғич нархи — 1.391.647.000 сўм.
- Қурилиш ишларини молиялаштириш «Шўртангазкиме» мажмуаси ҳисобидан амалга оширилади. Манзил: Қашқадарё вилоти, Ғузор тумани.

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ БУЮРТМАЧИЛИГИДА

1. Косон туманининг Гувалак қишлоғида ТИП-V болалар спорт иншооти қурилиши. Топшириш муддати — август ойи.
2. Косон туманининг Некуз қишлоғида А. Орипов номи 320 ўринли 90-мактаб биноси қурилиши. Топшириш муддати — 2005 йил II-чорак. Бошланғич нархи — 528.194.000 сўм.

Қурилиш ишларини молиялаштириш республика Болалар спортини ривожлантириш жамағатмаси ҳисобидан амалга оширилади. Манзил: Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй. Телефонлар: 227-16-56, 227-18-87.

Қурилиш ташкилотлари қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, иншоот қўйиматининг камида 20 фоиз миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига, шартнома (контракт) тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўша иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши талаб этилади. Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси —

Қарши шаҳри, «Ўзбекистон» кўчаси, 51-уйда жойлашган капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: 221-07-79.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Вафот этганларнинг қўриқ-қўриқлари ва бошқа иншоотларга — 50000 сўм; вафот этганларнинг қўриқ-қўриқлари ва бошқа иншоотларга — 60000 сўм.

Тақдирлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соати. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин танлов маркази биносида ўтказилади. Манзил: Қарши шаҳри, «Ўзбекистон» кўчаси, 51-уй.

**Ozlotto** «ЎЛОТТО» лотереяси 19-гирезининг ҳисоботи

Лотерея тиражи 2003 йил 6 августда берилган 000001-сонли лицензия ва 2003 йил 6 августда тасдиқланган Телевизион, сонли «Ozlotto 640» лотереясини ўтказиш шарт ва қондалари асосида ўтказилди.

Тушган шарлар номери кетма-кетлиги: 1 40 18 26 28 34

Тираж ўтказилган сана: 2004 йил 24 апрел

Ютуқ категорияси	Ютуқ фонди	Ютуқлар сони	Бир ставка ютуғи
6 та тўғри топилган сон учун	100 000 000	0	0
5 та тўғри топилган сон учун	498 700	0	0
4 та тўғри топилган сон учун	498 700	35	14 248
3 та тўғри топилган сон учун	1 745 450	545	3 202

Ютилмаган совирилар кейинги тираж ютуқ жамағатмасининг худди шу категориясига қўшилади. Лотереянинг кейинги тиражи 2004 йил 1 май кунини ўтказилади.

Кейинги тиражнинг **ЖЕК-ПОТ** суммаси: **100 000 000 сўм**

Тўқтин ҳаёт сари! Тошкент, «Низобек йўли», 24-кўча, тел.: 136-70-69

**O'ZSANOATQURILISH BANK**  
 Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

**«ВОЛГА» автомобиллари «ГАЗЕЛЬ» сотилади**

«ГАЗ» ОАЖнинг расмий дилери Тошкент шаҳридаги омбордан ГАЗ-31105, ГАЗ-3102 автомобиллари ва «Газель» русумидаги юк машинасини тақдир этади.

Автомашиналар темир йўл орқали вагонларда келтирилган.

Телефонлар: 169-47-62, 169-59-30

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректорати, касабга уюшмаси ташкилоти «Шошлинч тиббий ёрдам» кафедрасининг профессори

Атҳам Тулаганович **АЛИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат аграр университети жамоаси «Физика» кафедраси собиқ доценти

Оқил **МИРЗАЕВИН**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

**Халқ сўзи**  
 Народное слово

МУАССИСЛАР:  
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масълу котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масълу котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаева, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
 Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 001-рақам билан рўйхатда эълонланган. Буюртми F — 372 2909 мусавал босилди. Ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулда босилган. Қўроғ бичими А-2. Газета ИВМ компьютерда терилди ва операторлар Жамида Тўғиев ва Бақодир Файзуев томонидан саҳифаланди. Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. П-Тўйрат материал

● **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров. Навбатчи — С. Муқимов. Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.45 1 2 3 4 5